

Мансунова Нилуфар,

Келиб тушган сана 11 апрель, 2018
Эълон қилинган сана 20 июнь, 2018.

Тошкент давлат шарқшунослик
институту магистранти,
Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси
кичик илмий ҳодими.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-3-12>

ФАҲРУДДИН ЎЗГАНДИЙНИНГ "ФАТОВОИ ҚОЗИХОН" АСАРИДА БОЛА ҲУҚУҚАРИ: ФАРЗАНДЛАР НАФАҚАСИ ВА БОЛАНИ ҚАРАМОҚҚА ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

Аннотация: Мақолада диёримизда XII асрда ёзилган фикҳий асарлардан бири Фахруддин Ўзгандийнинг "Фатавои Қозихон" асарининг "Никоҳ китоби" қисмид аёритилган фарзандлар нафақаси ва болаларни қарамоққа олиш билан боғлиқ масалалар ёритилган. Шунингдек, муаллиф ўз мақоласида бутун дунё миқёсидаги болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни таъминлаш борасидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан, хусусан, "Бола ҳуқуқлари" тўғрисидаги Конвенция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва "Оила кодекси" қабилардан ҳам мисоллар келтириб ўтган.

Таянч сўз ва иборалар: Ислон дини, бола ҳуқуқлари, Фахриддин Ўзгандий, "Фатавои Қозихон", асраб олиш, алимент, нафақа, фатво, "Бола ҳуқуқлари" тўғрисидаги Конвенция, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси.

Мансунова Нилуфар,

студент магистратуры Ташкентского
государственного института востоковедения,
сотрудник Центра исламской цивилизации в
Узбекистане

ПРАВА ДЕТЕЙ В РАБОТЕ "ФАТАВА КАЗИ ХАНА" ФАҲРУДДИНА УЖАНДИ: ВОПРОСЫ ДЕТСКОЙ ПЕНСИИ И ИХ УСЫНОВЛЕНИЯ

Аннотация: в статье показывается алимент детей и их принятие согласно шариатским нормам на основе сочинения XII века Фахриддина Ужанди "Фатавои Қозихон" из параграфа "Книге бракосочетания". А так же автор использовал информации изправовым нормам которые защищает и обеспечивает прав детей. В своей статье автор также привел законодательные документы, такие как "Всеобщая декларация прав человека", "Конвенция о Правах ребенка", Конституция и "Семейный Кодекс" Республики Узбекистана.

Ключевые слова и выражение: Исламская религия, права ребенка, Фахриддин Ужандий, Фатавои Қозихон, алимент, пенсия, Конвенция о Правах ребенка, Всеобщая декларация прав человека

THE RIGHTS OF CHILDREN IN THE WORK OF "FATAWA KAZI KHAN" BY FAKHRUDDIN UZJANDI: THE ISSUES OF CHILDREN'S PENSION AND THEIR ADOPTION

Annotation: The article shows the alimony of children and their adoption according to the Shariah norms on the basis of the work of Fahriddin Uzjandi's 12th century "FatawaKazi khan" from the paragraph "The Book of Marriage." And as the author used information from legal norms that protects and ensures the rights of children. In his article the author also cited legislative documents such as "Universal Declaration of Human Rights", "Convention on the Rights of the Child", the Constitution and the "Family Code" of the Republic of Uzbekistan.

Key words and transitions: Islam, the rights of children, FakhriddinUzjandi, FatawaKazi khan, adoption, alimony, pension, fatwa, Convention on the Rights of the Children, Universal Declaration of Human Rights.

Фарзанд инсон ҳаётини янада гўзаллаштирувчи, унга мазмун бахш этувчи неъматдир. Унинг саломатлиги, дахлсизлиги эса энг асосий масалалардан бўлиб, дунё миқёсида бу жажжи қалбларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ғамхўрлик қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб келмоқда. Дунё ҳамжамияти болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, уларни турли хил тазйиқлардан тўсиш учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий ҳамда ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу борадаги илк қадамлар 1979 йил юзага келди, яъни ушбу йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Халқаро болалар йили" деб эълон қилинди. Айни шу даврдан бошлаб болалар ҳуқуқларини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилиб, 10 йил давомида дунё миқёсида бола ҳуқуқларини ўрганиш натижада 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция имзоланди. Қолаверса, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, "Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенция"да ҳам болалар ҳуқуқлари ҳимоя қилинган.

Ушбу ҳуқуқий нормаларнинг ҳар бири болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уни турли тажовузлардан асраш ва таъминлашга қаратилган. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 25-моддаси 2-банди бевосита болалар ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, унга кўра Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатъи назар, бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланиши кераклиги[1] ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса ўз навбатида мурғак қалбларнинг беҳавотир, хотиржам яшашларида катта аҳамиятга эга.

Ўзбек халқининг азалий қадриятларидан бири ҳисобланган ушбу масала мустақилликка эришгач янги бир босқичга кўтарилди. Мустақил Республикамиз у борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси янада мустаҳкамланиб, ҳар бир соҳада болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилди.

Аввало Республикамиз Бош қомусида алоҳида эътиборга олинган бўлиб, унга кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари(64-модда), фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги ва оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинган (65-модда) белгилаб қўйилди.

Қолаверса, 1998 йил 30 апрель қабул қилиниб, 1 сентябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексида ҳам болаларнинг ижтимоий, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган. Хусусан, вояга етмаган болаларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи(ўзининг шахсий буюмларига), ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи(90-модда) ва шу кабилар ўрин олган. Қолаверса, никоҳ бекор қилинган тақдирда фарзандлар учун алимент пулининг тўланиши(96-модда) қатъий қоида сифатида ўрнатилган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқимиз қон-қонига сингиб кетган исломий қадриятларимизда ҳам айнан мана шу масала - яъни фарзандга нафақа беришга алоҳида эътиборлар берилиб, фикҳий асарларда алоҳида фасллар ажратилган. Хусусан, Фахруддин Ўзгандийнинг "Фатовои Қозихон" асарида ҳам ушбу масала тилга олинган бўлиб, Қозихон ушбу асарнинг "Никоҳ китоби" қисмида "Фарзандлар нафақаси ҳақида фасл"ни алоҳида кўрсатиб, масалага тааллуқли фатволарни тизимлаштиради.

Асарни тадқиқ қилар эканмиз, Қозихон кичик(вояга етмаган) фарзандлар нафақаси отанинг зиммасида экани, қолаверса фарзанд бирор-бир сурункали касалга чалинган тақдирда ҳам ушбу нафақа отанинг зиммасида қолишини таъкидлайди[2]. Шунингдек, Шамсул Аимма Ҳалвонийнинг фикрини келтириб "киши илми толиб бўлса-ю, бирор касбни бажармаса ҳам отасининг зиммасидан нафақа тушиб қолмайди" дейди.

Вояга етмаган фарзанднинг отаси вафот этган тақдирда унинг нафақаси учга бўлинади: учдан бири онасининг, учдан иккиси бобосининг бўйнида бўлади[3]. Вояга етмаган фарзанднинг тоғаси ва амакиси бўлса, унинг нафақаси тоғасининг зиммасида бўлади, чунки у муҳаррам(яқин қариндошлардан) ҳисобланади. Қариндошларнинг нафақаси эса фақатгина қариндошларнинг зиммасида бўлади, ҳамма мерос олгувчида ҳам эмас[4].

Фатовои Қозихонда шунингдек, болани қарамоққа олиш билан боғлиқ масалалар ҳам келтирилган бўлиб, "Разоъ[5] боби"да бола қарамоғи яъни ҳизона[6] учун алоҳида фасл ажратилган. Бу борада муаллиф қарашларини қуйидагича баён қилади:

Никоҳ пайтида ва ажримдан сўнг фарзанд қарамоғида энг ҳақли инсон бу - унинг онасидир. Агар она ўлган ёки бошқа кишига турмушга чиқиб кетган бўлса, онанинг онаси(буви) агар у вафот этган ёки турмушга чиқиб кетган бўлса, отанинг онаси, агар у ҳам вафот этган ёки турмушга чиқиб кетган бўлса, ота-онанинг тутинган опустаси, агар вафот этган ёки турмушга чиқиб кетган бўлса, онанинг опаси, вафот этган ёки турмушга чиқиб кетган бўлса, ота-онанинг тутинган қизи. Агар у ҳам вафот этган ёки турмушга чиқиб кетган бўлса, онанинг тутинган опасининг қизи. Ривоятларда ушбу тартиб хусусида ихтилоф қилинмайди. Ихтилофлар бундан кейинги ҳолат: хола ва отанинг опаси борасидадир. "Китабун никаҳ"даги ривоятга кўра, отанинг опаси холадан афзал; "Китабут талоқ"даги ривоятга кўра эса, хола афзал. Ака-укаларнинг қизлари опа-сингилларнинг қизларидан афзал. Ота-онанинг тутинган опасининг фарзандлари уларнинг

сўзларига биноан, холаларниқидан афзал. Ривоятларда отанинг тутинган қизи ва холалар хусусида ихтилоф қилинади. Тўғриси: Хола афзалроқдир, деган фикр устундир. Холаларнинг энг авлоси эса, ота ва онанинг холасидир, кейин эса отанинг, ундан кейин эса, онанинг тутинган холасидир. Опа сингилларнинг фарзандлари аммаларниқидан авлодир. Аммалар бўйича тартиб ҳам худди шу холаларда айтган тартибимиз бўйичадир[7].

Фарзанд тарбияси ислом шариатида алоҳида эътиборга олинган масалалардан биридир. Шариат бўйича фарзанд тарбияси билан боғлиқ ота ва онанинг бурчлари белгилаб қўйилган. Бироқ никоҳ тутатилган тақдирда ёки она бўлмаган ҳолатларда ушбу масала юқорида айтилганидек тартибда амалга оширилади. Умумий қоидага биноан эса, болани тарбиялаш ва парвариш қилувчи аёл балоғатга етган, ақли расо, яхши хулқ одобли, тарбия бериш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ушбу хусусиятлардаги бирортаси бўлмаса, бундай аёлга мазкур вазифани юклаш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида бола тарбиясининг нақадар нозик масала бўлиб, у ҳар томонлама жамиятга таъсир кўрсатишини таъкидлайди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Инсонхуқуқлариумумжаҳондекларацияси. БМТ Бош Ассембляси томонидан 1948 йил 10 декабрь куни эълон қилинган. Universal Declaration of Human Rights.Declared in 1948 by the General Assembly of UNO.
2. ФахруддинАбулмахофирҲасанибнМансурЎзгандий. "فتاوى قاضى خان" (Қозихонфатвоси), Байрут: "Дарулфикр", 7 - жилд, 2010. - Б.268(Fakhruddin Abulmakhofir Hasan bin Mansor Uzjandi "فتاوى قاضى خان" (Fatwa Kazi khan) Beirut: "Darul fikr" 7 th volume, 2010. - p.268)
3. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. "فتاوى قاضى خان" (Қозихон фатвоси), Байрут: "Дарул фикр", 7 - жилд, 2010. - Б.269 (Fakhruddin Abulmakhofir Hasan bin Mansor Uzjandi "فتاوى قاضى خان" (Fatwa Kazi khan) Beirut: "Darul fikr" 7 th volume, 2010. - p.269)
4. Фахруддин Абулмахофир Ҳасан ибн Мансур Ўзгандий. "فتاوى قاضى خان" (Қозихон фатвоси), Байрут: "Дарул фикр", 7 - жилд, 2010. - Б.269(Fakhruddin Abulmakhofir Hasan bin Mansor Uzjandi "فتاوى قاضى خان" (Fatwa Kazi khan) Beirut: "Darul fikr" 7 th volume, 2010. - p.269)
5. Она томонидан фарзанднинг она сути билан озиқлантирилиши(Breastfeeding of child)
6. Боланиўзқарамоғигаолиш.(Adoption of children)
7. ФахруддинАбулмахофирҲасанибнМансурЎзгандий. "فتاوى قاضى خان" (Қозихонфатвоси), Байрут: "Дарулфикр", 7 - жилд, 2010. - Б.252(Fakhruddin Abulmakhofir Hasan bin Mansor Uzjandi "فتاوى قاضى خان" (Fatwa Kazi khan) Beirut: "Darul fikr" 7 th volume, 2010. - p.252)